

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА
ТАШХИС МАРКАЗИ**

**БОЛАЛАР ИҚТИДОРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК МЕТОДИКАЛАРИ МАЖМУАСИ**

ТОШКЕНТ-2010 ЙИЛ

Методик қўлланма ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари мутахассислари, мактабгача таълим муассасалари психологлари ва ота-оналар учун мўлжалланган. Шу билан бирга психология йўналишида илмий изланиш олиб бораётган мутахассислар ҳамда талабаларга, психология соҳаси билан қизиқувчи китобхонларга ҳам тавсия этиш мумкин.

Тузувчи-муаллифлар: С.Н.Алимходжаева
Ф.И.Ҳайдаров
Т.Б.Самандарова
Р.Х.Валиев

Болалар иқтидорини эрта (3-5 ёш) аниқлашнинг психологик-педагогик методикалари мажмуаси.

Тақризчилар: М.Қоплонова - психология фанлари номзоди, доцент.
Н. Сафаев - психология фанлари доктори, проф. в\б.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик - педагогик Республика ташхис Маркази илмий методик Кенгашининг 2010 йил 5 мартдаги 1- сонли қарори билан тасдиқланган.

Кириш.

Инсон шахси ва унинг характери, шу билан бирга қизиқиш ва қобилиятлари болаликнинг илк йиллариданоқ шаклланиб боради. Болаларнинг келажагидан умидвор бўлган жамият бу жараёнга фаол аралashiши ва инсон шахсини камолга етказиш борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиши лозим. Айниқса, боғча гуруҳидаги болаларнинг ақлий (жисмоний) имкониятлари уларнинг таълим-тарбиясига, интеллектуал салоҳият даражасига ҳамда шахслараро муносабатларига, бола характерининг шаклланишига, шунингдек гуруҳдаги рухий муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларининг таъсирини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган услубий қўлланма ҳам айнан болалар иқтидорини эрта (3-5 ёш) аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, ундан иқтидор тушунчаси, у қандай шароитда шаклланиши ҳамда ривожланиши ҳақида назарий маълумотлар, айрим тавсиялар ва психологик-педагогик методикалар ўрин олган. Бу методикалар Сизга аввалги нашрларимиздан таниш бўлиб, улар ёрдамида боланинг билиш жараёнлари яъни, хотира, диққат, идрок, тасаввур, тафаккур кичик қўл моторикасининг ривожланиши ташхис қилинади. Шу билан бирга ушбу методикалардан коррекцион машғулотлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур қўлланмадан ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ҳамда психологлари фойдаланишлари мумкин.

Иқтидор ҳақида тушунча.

Иқтидор - бу инсон психикасининг бутун умр давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади.

Психологик луғатда “иқтидор” тушунчаси қуйидагича таърифланади

1) иқтидор бу - фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

2) иқтидор бу - инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3) иқтидор бу - ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал характеристикаси;

4) иқтидор бу - табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, қобилиятлар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;

5) иқтидор бу - истеъдодлилиқ, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Умумий қобилият эгалари юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон-бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятига ижодий ёндашиши билан ажралиб туради.

Махсус қобилият эгалари эса-бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилияти бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадилар.

Иқтидорли болалар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

- қизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутқи, тафаккури, хотирасининг тез ривожланиши;
- эрта ёшданок мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- масалаларнинг ечимини топишда мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унумдорлиги ;

Педагогик нуқтаи назардан умумий ва махсус қобилият ёш даврларини инобатга олган ҳолда муҳим жиҳатларга боғлиқ. Эрта ёш даврлар - мактабгача ва кичик мактаб ёшида иқтидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида кўрилиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди. Айни вақтда бу иқтидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар

томонидан эътибор берилган қобилият “актуал”, атрофдагилар пайқамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади. Кўпгина машҳур олимлар, бастакорлар, рассом ва ёзувчилар (масалан, ёш В.А.Моцарт, Ф.Гальтон, И.Мечников, К.Гаусс, Н.Виннер, Г.Лейбниц, В.Гюго) эрта ёшдаёқ ўзларининг қобилиятларини намоён қилганлар. Ва аксинча кўп ҳолларда болаликда ҳеч қандай иқтидорга эга бўлмаган болалар етуқлик даврда муваффақиятларга эришишлари мумкин. Бу ақлий потенциалга кўпинча атрофдагилар эътибор бермасликлари мумкин. Табиийки, ҳар бир ҳолатда иқтидорни пайқамасликнинг сабаблари турлидир. Потенциал қобилият ҳақиқатдан ҳам маълум бир вақтгача намоён бўлмагандир. Балки, ота-оналар педагоглар ва катталар томонидан бола қалбининг нозик ҳаракатларидаги ўзгаришларга етарлича аҳамият берилмагандир, интуитив ҳолда буни пайқамагандирлар ёки билимлари етмагандир. Ёки аксинча, бу нарсаларни тушунмаганликлари сабабли боладаги буюк потенциал имкониятларни сезмаганлар, ва ҳаттоки, бу ижодкорликни, интеллектуал ташаббусни негатив хусусият сифатида қабул қилганлар. Бошқа, хусусиятларни эса қадрлироқ деб ҳисоблаганлар, яъни, ҳаммамизга шахсий тажрибамиздан маълумки, тиришқоқлик, итоаткорлик, саранжом-саришталик каби хислатларни фикрлар оригиналлиги, дадиллик, ҳаракатлардаги ва мулоҳаза юритишдаги мустақилликдан устун кўядиган ота-оналар, ўқитувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, раҳбарлар учрайди. Америкалик олимлар томонидан 400 га яқин таниқли одамларнинг таржимаи ҳоли ўрганиб чиқилганда улардан 60 фоизи мактаб таълими даврида жиддий муаммоларга дуч келганликлари аниқланди. Актуал ва потенциал қобилиятлар тушунчасининг мавжудлиги ривожланишни олдиндан прогноз қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди. Шахснинг қандай сифатлари ва характер хусусиятлари, феъл-атворидаги ва фаолиятидаги фазилатлари катталарга келажакда боланинг буюк олим, рассом ёки давлат арбоби бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу саволга жавоб топиш бирмунча мушкулдир. Психологлар боланинг келажagini “башорат” қилиш имконини берадиган қатор қонуниятларни белгилаб берганлар, лекин асосланган прогнозлар беришга ҳали эришилгани йўқ. Шу билан бирга жаҳон педагогика ва психологияси соҳасидаги тажриба шуни кўрсатадики, боланинг имкониятларига ишончнинг педагоглар ва ота-оналарнинг маҳоратига йўғрилганлиги мўъжизалар содир этишга қодир. Баъзи ҳолларда ҳаётда инсонга табиат томонидан берилган қобилиятдан ҳам кўра у ана шу хусусиятни қандай ривожлантира олгани муҳимдир.

Иқтидорли болаларни аниқлаш принциплари ва усуллари.

Иқтидорли болаларни аниқлаш давомий жараён бўлиб, шахснинг ривожланишини чуқур таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бунда қатор психологик-педагогик талаблар мавжуд:

– боланинг ўзини тутиши ва фаолиятини комплекс баҳолаш, бунда имкон қадар кўпроқ боланинг қобилиятлари ва турли ахборот манбаларидан фойдаланиш;

– идентификациялаш (ўхшатиш) жараёнининг давомийлиги (турли вазиятларда боланинг ўзини тутишини кузатиш);

– боланинг қизиқиш ва лаёқатларига мос келадиган фаолият доирасида ўзини тутишини таҳлил этиш (махсус ташкил этилган ўйин-машғулотларга жалб этиш);

– боланинг фаолиятига эксперт баҳо бериш (расмлари, ёзган шеърлари, техник моделлари, математик масалаларни ечиш усуллари.), бунда юқори малакали соҳага оид эксперт-мутахассисларни (математиклар, филологлар, шахматист ва муҳандислар) таклиф этиш.

– ҳар бир боланинг индивидуаллигини ҳисобга олган ва турли психодиагностик методикаларни қўллаган ҳолда ташхис қилишнинг кўп босқичли ва такрорий усулларида фойдаланиш;

– ташхис ишларини реал ҳаёт ва фаолият доирасида (кузатиш, суҳбат, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эксперт баҳоси) амалга ошириш.

Иқтидорли болаларни аниқлашда шу ёш даврдаги иқтидорнинг ривожланиши даражасини, иқтидорнинг турли фаолият доирасида амалга ошириш хусусиятларини, бола ривожланишининг потенциал имкониятларини дифференциация (табақалаштириш) қилиш талаб этилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар иқтидорини ривожлантириш омиллари.

Иқтидорли болалар билан ишлашда психологлар иқтидорнинг тузилишини белгиладиган асосий омилларни билишлари лозим. Булар қуйидагилар:

умумий интеллектуал ёки ақлий қобилиятларнинг юқори даражаси;

билиш мотивининг доминантлиги - бошқа мотив турларидан устунлиги;

янги предметлар, вазифалар, воқеа-ҳодисаларга дуч келганда, муаммони қўйилиши ва ечимини топишда ижодий фаолликнинг намоён бўлиши.

Иқтидорнинг эрта намоён бўлиши икки ёшдан олти ёшгача кузатилади. Бундай болалар икки-уч ёшдан ўқишга интиладилар, уч-тўрт ёшда ўқишни ва санашни биладилар, беш-олти ёшда сўзларни ва унча катта бўлмаган жумлаларни ёза оладилар. Мактабгача ёш даврида иқтидорли болалар бошқалардан интеллектнинг ривожланиш даражаси билан ажралиб турадилар. Ўзларининг жуда фаоллиги, кўплаб савол беришлари, қизиқувчанлиги, катталардан оладиган маълумотни осон эслаб қолиши ва қайта айтиб бера олиши билан бирга, бой тасаввурга эгадирлар. Иқтидорли болалар кўп ҳолларда турли ҳисоб-китобларга қизиқадиладар, шеър ёки эртаклар тўқийдилар, мусика асбобларини чаладилар, шахмат ўйнайдилар, расм чизадиладар, қўшиқ айтадилар ва рақсга тушадиладар. Етти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда болалар кўп ҳолларда коллекция йиғишга (маркалар, медаллар, сеvimли мультфильм ва кино қаҳрамонларининг расмлари ва хок...), қоғоз, ёғоч ва бошқа материаллардан турли предметларнинг лойиҳаларини яшашга қизиқадиладар.

Иқтидорли болалар 3 ёшдан 5 ёшгача барча номаълум бўлган нарсаларга ва янгиликларга нисбатан мустақил равишда жавоб ахтаришда фаоллик кўрсатиб,

катталарга турли саволлар берадилар. Бу саволларга берилган жавоблар орқали атроф оламни, воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларининг боғлиқлигини англайдилар, шахсий ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара оладилар.

3-ёшли болага хос бўлган ҳислатлар:

1. Нутқи маъно жихатидан бир-бирига боғланган сўзлардан иборат.
2. Ўйинда ролга киради.
3. Шар, олма ва бошқа предметларни чиза олади.
4. Ўзи ечиниб кийина олади.
5. Кубикларни бир-бирининг устига қўя олади.
6. Таянчсиз зиналардан ўзи кўтарилиб, туша олади.

4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жихатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;

- иккинчи давр - 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ;

- учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади.

Шунинг учун ҳам мактабгача ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир. Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар эксперт сифатида майдонга чиқадиладар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Бизга маълумки, интеллектуал тестлар одамни ақлий фаолиятни ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида когнитив процессларини (идрок диққат, хаёл, хотира, нутқ) баҳолашда қўлланилади. Қуйида мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнлари, ижодий (креатив) қобиляти ҳамда болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иқтидорни аниқлаш бўйича бир қатор тестлар, шунингдек ушбу ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар ҳамда ота-оналар учун маслаҳатлар тақдим этилади.

Идрок ва тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш.

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрок ва тафаккурининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун мўлжалланган, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва психологлари томонидан ўтказилади.

Материаллар: 3 та қутича, биринчи қутичанинг ён томонида квадрат, иккинчи қутичанинг ён томонида доира, учинчи қутичанинг ён томонида учбурчак шакллари акс эттирилган бўлиб, 8 та квадрат, 8 та доира, 8 та учбурчак шаклдаги 24 та предметлардан иборат. Ҳар бир шакллар катта ва кичик ҳажмдаги предметларга бўлинади(4 та кичик ва 4 та катта).

квадрат шаклдаги предметларга-кубик, гугурт қутиси, совун, китоб ва бошқ;
доира-танга, тугмача, шар, копток.

учбурчак-конус, калит, арча, ракета.

Методиканинг ўтказилиши: Боланинг олдида қутичалар қўйилиб ҳар бир предмет биттадан болага кўрсатилади ва қандай шаклга ўхшашлиги сўралади. Бола жавоб бергандан сўнг предмет мос келадиган қутичага солиниши сўралади. Сўнгра кейинги предмет кўрсатилади ва саволлар қайтарилади. Шу тариқа ҳамма 24 та предмет болага бирин кетин кўрсатилади ва шаклларга мос равишда қутичаларга жойлаштирилади.


Натижаларни баҳолаш: ҳар бир тўғри топилган предмет учун 1 балл берилади. Максимал балл 24 балл.

Эслатма: методика ҳар бир бола билан алоҳида ўтказилиб, 15-20 минутдан ошмаслиги керак.

«Нима тасвирланганини топ» методикаси.

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрокини ўрганишга мўлжалланган. Унда бола расмнинг бир неча қисмлари ёрдамида бутун расм қандай эканини билиши талаб қилинади.

Методика қуйидагича ўтказилади: Болага расмнинг А қисми кўрсатилади ва шу асосда расмда нима тасвирланганини топиш таклиф этилади. Бунинг учун 10 сония вақт берилади. Агар болалар бу вақт ичида нима тасвирланганини топа олмаса яна 10 сонияга унга расмнинг Б қисми кўрсатилади. Шу тариқа расм қисмлари то бола унда нима тасвирланганини билмагунча кўрсатилади.



Натижаларни баҳолаш:

10 – балл – бола А қисмдан 10 сониядан кам вақт ичида расмда ит тасвирланганини топди.

7 – 9 балл – бола Б қисмдан жами 11 – 20 сонли вақт сарфлаб расмда ит тасвирланганини топди.

4 – 6 балл – бола В қисмидан вақт 21 – 30 сонияга етганда расмда ит тасвирланганини топди.

2 – 3 балл – бола Г қисмдан вақт 30 – 40 сонияга етганда расмда ит тасвирланганини топди.

0 – 1 балл – бола жами 50 сониядан ортиқроқ вақт сарфлаб А,Б ва В қисмларни кўриб ҳам ит тасвирланганини топа олмади.

Ривожланганлик даражаси:

10 балл – жуда юқори, 8 – 9 балл – юқори, 4 – 7 балл – ўрта, 2 – 3 балл – паст, 0 – 1 балл – жуда паст.


«Белгиларни қўй» методикаси.

Мазкур методика 5 ёшдаги болалар диққатининг кўчиши ва тақсимланишини ташхис қилишда қўлланилиши мумкин.

Методика материали: геометрик шакллар кўрсатилган жадвал.

Методиканинг ўтказиш вақти: 2 дақиқа.

Методиканинг қўлланилиши: бола жадвал юқорисидаги геометрик шакллар – квадрат, учбурчак, айлана ва ромбнинг ичидаги белгиларни жадвалдаги барча квадрат, учбурчак, айлана ва ромблар ичига қўйиб чиқиши керак.



Натижаларни қайта ишлаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\text{Дкт} = \frac{0.5 \text{ Шм} - 2.8 \text{ Хм}}{120}$$

Дкт – диққат кўчувчанлиги ва тақсимланганлигининг кўрсаткичи;

Шм – 2 дақиқа ичида кўриб чиқилган ва ичига тегишли белги қўйилган геометрик шакллар миқдори;

Хм – топшириқни бажариш давомида йўл қўйилган хатолар миқдори.

Эслатма: тегишли белгиларнинг тегишли шакл ичига қўйилмагани ёки тегишли шакл ичига умуман белги қўйилмагани хато бўлиб ҳисобланади.

Натижаларни баҳолаш:

- 10 – балл – Дкт 1. 00 дан катта – жуда юқори.
- 8 – 9 балл – Дкт 0. 75 дан 1. 00 гача – юқори.
- 6 – 7 балл – Дкт 0. 50 дан 0. 75 гача – ўрта.
- 4 – 5 балл – Дкт 0. 25 дан 0. 50 гача – паст.
- 0 – 3 балл – Дкт 0. 00 дан 0. 25 гача – жуда паст.

«Йил фасллари» методикаси .

Ушбу методика 3-4 ёш болалар учун мўлжалланган. Болага расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топшириқни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фасллари айтиб бериши, балки фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисм айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.

Натижаларни баҳолаш: 10 балл- берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фасллари бир бири билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслининг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатиб)

8-9 балл- бола расмдаги ҳар бир йил фасллари бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фаслларининг умумий олганда 5-7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса:

6-7 балл- бола йил фасллари тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3- 4 та фасллар белгисини кўрсата олса;

4-5 балл- бола йил фаслларининг фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса;

0-3 балл- бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фасллари топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда қўйилади).




Тараққиёт даражасига хулоса чиқариш: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 6 - 7 балл –ўртача, 4 -5 балл –паст, 0 -3 балл -жуда паст.

«Бу ерда нима ортиқча?» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларга мўлжалланган. Бу методика болаларнинг образли, сўз-мантиқли тафаккур процессининг анализи, ақлий ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер».

Топширикни бажариш учун 3 дақиқа вақт берилади.



Натижаларни баҳолаш: 10-балл- бола ўзига берилган топширикни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса;

8-9 балл- бола топширикни 1 дақиқадан 1,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

6-7 балл- бола топширикни 1,5 дақиқадан 2 дақиқагача тўғри бажара олса;

4-5 балл- бола топширикни 2 дақиқадан 2,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

2-3 балл- бола топширикни 2,5 дақиқадан 3 дақиқагача тўғри бажара олса;
 0-1 балл- бола 3 дақиқа мобайнида топширикни тўғри бажара олмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса: 10 балл -жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 -7 балл - ўртача, 2 - 3 балл – паст, 0 - 1 балл -жуда паст.

«Расмларда қандай предмет етмайди» методикаси

Бу методика 3-4 ёшли болаларнинг тафаккурини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Топширикни бажаришдан олдин болага расмлар кўрсатилади ва ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади. Бола расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл- топшириққа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса;

8-9 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса;

6-7 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса;

4-5 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса;

2-3 балл-топшириқни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса;


0-1 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса;

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг образли- мантиқли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага расмдаги тасвирлар кўрсатилиб, қуйидагича топшириқ берилади:

«Дикқат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борида кўп гуруҳларга бўлиб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган шаклларни кирит ва ҳар бир шаклнинг номини айт ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер». Топшириқни бажаришга 3 дақиқа вақт берилади.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл-бола ҳамма шаклларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга ажратса. Бу шакллар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил шакллар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк шакллар (улар тўғри чизик билан штрих қилинган), сариқ шакллар (улар катаклар билан белгиланган), катта шакллар, кичик шакллар;

8- 9 балл - бола ҳамма шакллари 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқача вақтда гуруҳларга ажратса;

6-7 балл - бола ҳамма шакллари 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқача вақтда гуруҳларга ажратса;

4-5 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача шакллари гуруҳларга ажратса;


2-3 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача шакллари гуруҳларга ажратса;

0-1 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан ортиқ гуруҳга ажрата олмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса: 10 - балл - жуда юқори, 8 - 9 балл – юқори, 4 - 7 балл – ўртача, 2 - 3 балл – паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Контурларни бирлаштириш» методикаси.

Болаларга расмлар кўрсатилади ва ушбу методикадаги топшириқнинг мақсади тушунтириб берилади, яъни қалам ёки ручка ёрдамида имкони борича тез ва аниқ чап томондаги контурларни ўнг томонда берилган катакларга кўчириб чиқиш зарур. Бунда болани чизикларни тўғри чизганлигига ва шакллarning бурчакларини аниқ бирлаштира олишига эътибор қаратиш зарурдир. Топшириқ бажариб бўлингандан сўнг вазифанинг тоза, аниқ ва тезлиги баҳоланади.



Натижаларни баҳолаш: Топшириқни бажариш тезлиги ва сифатига қараб балларда баҳоланади.

10 балл - бола ҳамма топшириқни бажаришга 90 сониядан кам факт сарфлаб, шаклларнинг бурчакларини тўғри ва аниқ бирлаштира олса ҳамда чизиқлар берилган контурларга аниқ мос келса;

8-9 балл - топшириқни бажаришга 90 сониядан 109 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса: бир ёки иккита чизиқнинг тўғри эмаслиги; икки ёки учта чизиқлар шакл бурчаклари нотўғри бирлаштирилган бўлса; иккитадан тўрттагача чизиқлар контурдан ташқарига чиқиб кетган бўлса; тўрттадан бештагача шакл бурчакларини бирлаштиришда ноаниқликка йўл қўйилган бўлса;

6-7 балл-ҳамма топшириқни бажаришга 105 дан 120 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса: уч ёки тўртта чизиқнинг эгрилиги: тўрттадан олтигача шакл бурчакларини нотўғри бирлаштирилганлиги; бештадан олтигача чизиқлар контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; олтигача еттитагача шакл бурчакларини бирлаштиришдаги ноаниқлик бўлса;

4-5 балл-топшириқни бажаришга 120 дан 135 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса; беш ёки олти чизиқнинг эгрилиги; еттитадан ўн тагача бурчакларни нотўғри бирлаштирилганлиги; еттита ёки саккизта чизиқнинг контурдан чиқиб кетганлиги; саккизтадан ўн тагача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

2-3 балл - топшириқни бажаришга 135 дан 150 сониягача вақт сарфланса. Қуйидаги камчиликлардан бирортаси мавжуд бўлса: 7 тадан 10 тагача чизиқнинг эгрилиги; 11 тадан 20 тагача бурчакларнинг нотўғри бирлаштирилганлиги; 9 тадан 10 тагача чизиқларнинг контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; 11 тадан 17 гача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

0-1 балл -топшириқни бажаришга 150 сониядан кўп вақт сарфланса. Бир ёки иккита чизиқдан ташқари, қолган чизиқларнинг нотўғри чизилганлиги; бир ёки иккита бурчакдан ташқари, қолган бурчакларни бирлаштиришдаги хатоликлар;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл ўртача, 2 - 3 балл - паст, 0-1 балл - жуда паст

«Лабиринтдан чиқиш, йўлини топ» методикаси.

Ушбу топшириқда болаларга расм кўрсатилиб, топшириқда лабиринтнинг тасвирланганлиги, унда стрелка билан лабиринтга кириш нуқтаси ва чиқиш жойлари кўрсатилганлиги тушунтириб ўтилади. Бунда бола учли таёқчани олиб, расм ичидан юргизиб, лабиринтдан имкони борича тез чиқиб кетиши ҳамда таёқчани имкони борича аниқ юргизиб, лабиринт деворига тегиб кетмаслиги керак.

Натижаларни баҳолаш: 10 балл -топшириқ бола томонидан 45 сониядан кам вақт мобайнида бажарилса, аммо бола таёқча билан лабиринт деворига бирор марта ҳам тегиб кетмаса;

8 - 9 балл -топшириқ бола томонидан 45 сониядан 60 сониягача вақт мобайнида бажарилса, ўтиш жараёнида 1, 2 марта лабиринт деворига тегиб кетса;

6 - 7 балл-топшириқ 60 сониядан 80 сониягача вақт мобайнида бажарилса ва лабиринтдан ўтиш жараёнида 3 - 4 марта лабиринт деворига тегиб кетса;

4 - 5 балл-топширик 80 сониядан 100 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 5 - 6 марта тегиб кетса;

2 - 3 балл тогшгарик 100 сониядан 120 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 7 - 9 марта тегиб кетса;


0 - 1 балл-топширикни бажаришда 120 сониядан кўп вақт сарфласа ёки умуман бажара олмаса.



Тараққиёт ҳақидаги хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Шаклларни қирқиб чик» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг кўргазмали-ҳаракатли тафаккурини ташхис қилишга мўлжалланган. Топшириқнинг мақсади қоғозга чизилган шаклларни тез ва аниқ қирқиб олишдан иборат. Расмда берилган 6 та квадратда ҳар хил шакл тасвирланган. Ушбу расмлар болага бир бутун ҳолатда берилмайди, балки ҳар бир квадратдаги расмлар алоҳида берилади. Бунинг учун тадқиқотчи расмларни олти та квадратга қирқиб чиқади. Болага ҳар бир квадратдаги тасвирлар кетма-кетликда берилади. Расмлар тартиб рақами билан белгиланган ва қайчи билан имкони борича, шаклларни тез ва аниқ қирқиб олиш керак.



Натижаларни баҳолаш: Методика натижаларини баҳолашда, бола томонидан топшириқни бажариш жараёнидаги вақт ва аниқликка эътибор қаратилади.

10 балл-ҳамма шакллар бола томонидан 3 дақиқадан кам вақтда қирқиб олинса, ҳамма шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса;

8-9 балл - ҳамма шакллар 3 дақиқадан 4 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 1 мм дан 2 мм гача фарқ қилмаса;

6-7 балл - ҳамма шакллар 4 дақиқадан 5 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 2 мм дан 3 мм гача фарқ қилмаса;

4-5 балл - ҳамма шакллар 5 дақиқадан 6 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 3 мм дан 4 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл - ҳамма шакллар 6 дақиқадан 7 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 4 мм дан 5 мм гача фарқ қилмаса;

0-1 балл - бола топшириқни 7 дақиқадан кўп вақт мобаинида бажара олмаса, ҳамда қирқиб олинган шакллар контури аслидан 5 мм дан кўп фарқ қилса;


Тараққиёт ҳақида хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, -3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Тасвирларни кўчириш» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёш болаларга мўлжалланган. Топшириқнинг моҳияти шундан иборатки, расмда ўнг томондаги махсус тайёрлаб қўйилган квадратлар ичига, шу расмдаги, чап томонда берилган катаклар ичидаги тасвирларни кўчириш керак. Бунинг учун болага қора фламастер берилиб, қуйидагича кўрсатма берилади:

«Ўнг томондаги катакларга, айнан чап томондаги шаклларга ўхшаш расмларни чизиш керак. Бунда иложи борича тоза ва бўяладиган жойларда бўшлиқ қолдирмасликка ҳамда шакллар контуридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш керак».

Топшириқни бажаришга ажратилган вақт 5 дақиқа.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл– бола ҳамма топшириқни 5 дақиқа мобайнида бажариб бўлди. Унда бўяладиган жойларда бўшлиқ қолмаса, чизилган шакллар контури эса топшириқ андозасидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

8 - 9 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сафрласа, унда бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 1 - 2 жойларида бўшлиқ қолса, чизилган шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

6-7 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 3 - 4 жойларида бўшлиқ бўлса, чизилган бир неча шакллар контури аслидан 1,5 мм дан кўп фарқ қилмаса.

4-5 балл - бола 5 дақиқада 4 - 5 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл- бола 5 дақиқада 2 - 3 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;

0-1 балл - бола 5 дақиқада битта шаклни бўяшга улгурса, ҳамда бўялган шаклнинг 4 дан бир қисмида бўшлиқ бўлса ва шакл аслидан 3 мм гача фарк қилмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл –паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

Қуйида ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун боланинг иқтидорини эрта аниқлаш бўйича сўровнома, методикалар тавсия этилади.

ОТА - ОНАЛАР УЧУН СЎРОВНОМА.

1.Сизнинг болангизнинг хотираси яхшилигидан далолат берувчи мисоллар келтиринг.

2.Ўзи мустақил равишда Сизнинг ёрдамингисиз бирон-бир топшириқни осон бажарганлиги ҳолатларини айтиб беринг.

3.Ўзи мустақил равишда биринчи бор ўқий бошлагани ҳақида гапириб беринг (ёши, вазият, ўқиган материали).

4.а) болангиз гапира бошлаганда энг биринчи айтган сўзи;

б) болангизнинг сўз захираси бой эканлигидан мисол келтиринг.

5.Фарзандингиз ҳазилкашми? Мисол келтиринг

6.Болангиз томонидан айтилган бирон-бир воқеани мисол келтиринг.

7.Болангиз ўз фикрини билдирган (интерпретация) бирон – бир воқеа ёки расмлардан мисол келтиринг.

8.Болангиз тарафидан ўйлаб топилган бирон – бир воқеа ёки эртақнинг сўнги қисмини келтиринг.

9.Болангиз сонларнинг бир-биридан фарқини билган ҳолда санашни билади.

10.Болангиз икки предметни бир биридан фарқлай оладими.(катта-кичиклигини ва ҳ.) Аниқ мисол келтиринг.

11.Фарзандингиз бошқотирмаларга қандай қизиқиш билдиради.

12. Болангиз нимага қизикади, мисол келтиринг

13.Болангиз нималарни коллекция қилади?

14.Ижодкорлик қобилиятидан мисол келтиринг.

15.Радио ва теледастур, газеталарга бўлган қизиқишлари қандай намоён бўлади.?

16.Қандай расмлар фарзандингизда қизиқиш уйғотади?

17.Болангиз қандай мавзуларга қизикади, қандай саволлар беради?

18.Фарзандингиз бирон-бир масалани ечишда қатъият кўрсатганлигини айтинг

19.Бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик ҳислари қандай намоён бўлади?

20.Лидерлик сифатларини намоён қилган вазиятни айтиб беринг.

21.Бошқа болалар билан қандай муносабатда?

ИЛК БОЛАЛИК ДАВРИ БЎЙИЧА СЎРОВНОМА.

Қуйидаги жумлаларни ўқиб чиқинг ва ҳар бирига ўз фикрингизни билдиринг.

Келтирилган ҳолатлар фарзандингизга хос бўлса, «+» белгисини қўйинг.

1-жуда камдан-кам ёки ҳеч қачон; 2-камдан-кам; 3-баъзан; 4-кўп ҳолларда; 5-деярли ҳар доим.

БОЛАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	1	2	3	4	5
1.Предметлар, воқеа-ҳодисаларга нисбатан катта қизиқиш билдиради. Нимага? Нима учун? Нима сабабдан? ва бошқа шу каби саволларни кўп беради. 2.Одатда кичик ёшдаги болалар учун умуман қизиқарли бўлмаган «ақлли саволларни» кўп беради. 3. Ўз нутқида кўпгина сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз қилади. 4.Бирон-бир воқеани маҳорат ва мароқ билан сўзлаб бериш қобилиятига эга. 5. Катталар ва кичик ёшдагилар даврасида «интеллектуал» суҳбатлар олиб бора олади. 6.Жиддий фикр юритишга лаёқатли. Мураккаб ва глобал муаммолар билан қизиқади (масалан, дунёнинг яралиши ва бошқ). 7.Топишмоқларнинг ечимини тез топа олади ва ўзи топишмоқлар ўйлаб топади. 8.Ёшига мос бўлмаган қийин чигал масалаларни тушунади, уларга тўғри ёндоша олади, абстракт тафаккурга эга. 9.Санашни билади, оддий арифметик амалларни осон еча олади. 10. 1 дан 10 гача бўлган сонларнинг фарқини яхши тушунади. 11.Турли схемалар, ускуналарнинг қўлланиши ҳақида тенгдошларидан кўра кўпроқ маълумотга эга. 12.Соат, календар, термометр ва шу каби ўлчов асбобларига қизиқиш билдиради, уларнинг вазифаларини тушунишга ҳаракат қилади. 13. Янги билим ва кўникмаларни эгаллашга ҳоҳиши жуда катта. 14. Тенгдошларидан фарқли равишда узоқ вақт давомида диққатини жамлаш, сақлай олиш қобилиятига эга.					

Натижалар таҳлили.

57 балдан 70 балгача ақлий ривожланганликнинг жуда юқори даражаси.

43 балдан 56 балгача ақлий ривожланганликнинг юқори даражаси.

29 балдан 42 балгача ақлий ривожланганликнинг ўрта даражаси.

15 балдан 28 балгача ақлий ривожланганликнинг паст даражаси.

0 дан 14 балгача ақлий ривожланганликнинг жуда паст даражаси.

Мактабгача ёшдаги болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иқтидорни аниқлаш бўйича тест – саволнома.

Саволларга жавоб беришда “Ҳа”жавоб учун 1 балл, “йўқ” -0 балл деб белгиланади ва барча баллар қўшилади.

1. Болада бирор-бир буюмнинг оригинал қўлланилиш ҳолати кузатилганми?
2. Бола ўз қизиқиши, иштиёқларини ўзгартира оладими?
3. Бола ўзи тасаввур қилган буюмларни чизишни яхши кўрадиими?
4. Мавҳум (абстракт) расмларни чизишни яхши кўрадиими?
5. Фантастик воқеаларни яхши кўрадиими?
6. Бола ўзи шеър ёки ҳикоялар туза оладими?
7. Бола қоғоздан ажойиб шаклларни ясай оладими?
8. Бола мавжуд бўлмаган ёки ўзи билмаган нарсаларни ясай оладими?
9. Бола ўзининг дидига мос равишда бирор нарсани ўзгартириш хоҳиши бўлганми?
10. Қоронғуликдан кўрқадиими?
11. Янги сўз ўйлаб топганми?
12. Бу сўзни изоҳсиз тушунарли деб ҳисоблаганми?
13. Мебель ва жиҳозларни ўзининг дидига мос равишда жойини алмаштиришга уринганми?
14. Бу ғоя муваффақиятли якун топганми?
15. Бирор бир буюмдан белгиланган вазифаси бўйича эмас балки бошқа мақсадда фойдаланган ҳолатлари бўлганми?
16. Фарзандингиз ҳали жуда кичиклигидаёқ турли предметларнинг нима мақсадда ишлатилишини англай олганми?
17. Кийим танлашда сизнинг дидингизга кўра иш тутадими?
18. Атрофдагилар учун англаш мушкул бўлган ўз дунёси борми?
19. Ҳали тушуниб етмаган нарсасига изоҳ талаб этадиими?
20. Атрофдаги воқеаларни тушунтириб беришни талаб этадиими?
21. Расмсиз китобларни ўқишни ёқтирадиими?
22. Ўзи бирор бир ўйин ўйлаб топиб, унга тенгдошларини жалб қила оладими?
23. Тушларини эслай оладими ва таассуротларини сўзлаб бера оладими?

Натижаларни таҳлил этиш.

20 дан 23 гача - фарзандингизнинг зеҳни жуда ўткир, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабат билдира олади, ўз шахсий фикрига эга.

15 дан 19 гача – ўз қобилиятларини ҳар доим ҳам намоён эта олмайди, агар бирор нимага қизиқиб қолса, топқир ва идрокли.

9 дан 14 гача – нарсаларга шахсий фикр билдириш муҳим бўлмаган билим соҳалари учун етарли даражада зеҳнли, бироқ ижодий фаолият билан шуғулланиш учун етарли эмас.

4 дан 8 гача – ўзи учун муҳим бўлган мақсадга эришиш учун ижодий тафаккур намоён этади, амалий фаолият билан шуғулланишга мойил.

4 баллдан кам – унинг зеҳни унча ўткир эмас, лекин яхши ижрочи сифатида муваффақиятга эришиши мумкин (олинган натижалар Сизни бироз ранжитиши мумкин, лекин ҳаёт давомида фарзандингиз ўз устида ишлаб билим доирасини кенгайтириш имкониятлари мавжуд).

Ижодий (креатив) қобилиятни аниқлаш бўйича тест - саволнома.

Фарзандингизни қуйида келтирилган 7 та савол бўйича баҳоланг. Ҳар бир саволга 5 та шкала бўйича, яъни 1-ҳеч қачон, 2-камдан кам, 3-баъзида, 4-тез-тез, 5-ҳар доим тарзида жавоб беринг.

Демак, менинг фарзандим кодир:

1. Кўп миқдорда турли ғояларни таклиф этиши ва илгари суриши.
2. Турли хил, тип, тоифадаги ғояларни таклиф этиши.
3. Бирор масала бўйича тахминий фикр ва унинг ечими бўйича қўшимча ғоя, таклифларни бера оладими?
4. Тасаввур доираси кенг, юмор ҳисси ривожланган
5. Муаммонинг оригинал, кутилмаган ечимини таклиф этади.
6. Бирор бир масалани ҳал этишда миясига келган биринчи фикрни айтмасдан, турли ғояларни таклиф этади ва уларнинг ичидан энг яхшисини танлайди.
7. Ўз фикрида қатъий тура олади.

Натижаларни ҳисоблаш:

35-28 балл - ижодий қобилият юқори даражада.

27-17 - ижодий қобилият ўрта даражада.

16-0 - ижодий қобилият паст даражада.

Мактабгача ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар.

3 ёшли болалар учун.

“Рангли гиламчалар” (ранг)

“Доирачалар” (ўлчам)

“Фигуралар” (шакл)

“Намуна бўйича тузиш” (кўргазмали-ҳаракатли тафаккур)

Текшириш психолог томонидан ўтказилиб, битта бола учун 5-7 минут ажратилади.

“Рангли гиламчалар”-кўрув идрокнинг хусусиятларини аниқлаш, асосий рангларни ажратиш

Материаллар: 6 та рангли карточка (қизил, кўк, сарик, яшил, ҳаворанг, жигарранг. Болага навбат билан рангли (қизил, кўк, сарик, яшил) карточкаларни танлаш таклиф этилади. Сўнгра тарбиячи карточкаларни болага кўрсатиб уларнинг рангини айтиб беришни сўрайди. 3 ёшли бола учун 3 та ёки 4 та рангни айтиб бериши меъёр ҳисобланади. 4 ёшли бола 4-6 та рангни ажрата билиши керак бўлади.

“Доирачалар” - предметларни ўлчамини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш. Болага бир хил рангдаги 3 та доира кўрсатилиб, энг каттаси ва энг кичигини айтиб беришни сўралади. Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажариши меъёр ҳисобланади.

“Фигуралар” предметларнинг шаклини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш

Материаллар: бир хил рангдаги геометрик шаклларнинг (доира, квадрат, овал, учбурчак, тўғри тўртбурчак) 2 та комплекти.

Боланинг олдида бешта шаклдан ихтиёрий икkitаси қўйилади. Сўнгра иккинчи комплектдан битта шакл кўрсатилиб, унинг қўлидаги шаклнинг қайси бири ўхшашлигини айтиб бериши сўралади. Масалан, боланинг олдида биринчи комплектдан доира ва квадрат қўйилади, сўнгра иккинчи комплектдан квадрат ва ҳок.

Уч ёшли бола овал ва доирани, квадрат ва тўғри тўртбурчакни адаштириши мумкин ҳисобланади.

“Намуна бўйича тузиш” фазовий ва кўргазмали-ҳаракатли тафаккурнинг хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар: 2 та нусхада турли шаклдаги қурилиш деталлари

Текширувчи болага қурилиш деталларидан бирор бир нарсани ясаб беради, сўнгра худди шундай ясаб бериши сўралади.

Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажарса қониқарли ҳисобланади.

4 ёшли болалар учун.

“Пирамида” -ўлчамни, кўргазмали-ҳаракатли тафаккурни идрок қилиш.

Материал: 5-7 та элементдан иборат пирамида.

Текширувчи болаларга пирамида кўрсатади ва боланинг диққатини у қандай ясалганига қаратади. Сўнгра бу пирамидани қисмларга ажратади ва болага қайтадан аввалгидек ясаб бериш топшириғи берилади. Агар бола вазифани бажаришга қийналса, ёрдам берилади.

Бола вазифани биринчи уринишидаёқ мустақил бажарса болада ўлчамни идрок қилиш юқори даражада ривожланган.

“Шакллар қутиси”- шаклни ва фазовий муносабатларни идрок қилиш. Ушбу вазифа боладан шаклларни идрок қилишнинг талаб этмасдан, шаклларни фазода тўғри ҳаракатлантиришни ҳам талаб этади.

Материал: доира, учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат, кўпбурчак шакллардаги ўйиқчалардан иборат қутича.

Боланинг олдида турли шакллар, қутича қўйилади ва қуйидагича топшириқ берилади: “Бизда ғайриоддий почта қутиси ва ўзгача хатлар бор. Ҳар бир хатнинг ўз ўрни бор. Хатларнинг ўрнини топиб уларни жойлаштириб чиқ .” Агар бола шаклларни кўз билан чамалаб ўйиқчаларга жойлаштириб чиқса унда фазовий идрок юқори даражада ривожланган бўлади.

5 ёшли болалар учун.

“Маржон” - асосий ранглар ва уларнинг турларини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш.

Боланинг олдида бир хил ўлчамдаги, лекин ҳар хил рангдаги (қизил, тўқ қизил, кўк, сариқ, яшил, оч яшил, бинафша ранг, ҳаво ранг) 9 та доирачалар қўйилади ва улардан “маржон” ясаш сўралади, бунда текширувчи томонидан доирачаларни қандай кетма-кетликда жойлаштирилиши айтиб турилади.

Топшириқ бажариб бўлингач боладан “маржонларнинг” рангини айтиб бериш сўралади. Беш ёшли бола томонидан вазифа мустақил ва тўғри бажарилса қониқарли ҳисобланади.

«Қисмлардан бутун яшаш».

Фазовий идрок, диққатнинг сафарбарлиги ва хаёлнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш.

Кўрсатма: Боланинг олдида бир нечта (учта ёки тўртта) қирқимларга бўлинган расм тартибсиз ҳолда ёйиб қўйилади ва қуйидагича кўрсатма берилади: „Қисмларни диққат билан кўриб чиқ. Уларни тўғри йиғиб чиқсанг яхлит расм ҳосил бўлади“.

Бола мустақил равишда расм қисмларини тўғри йиғса - фазовий идроки, тасавури яхши ривожланган, диққатининг сафарбарлиги юқори.

Фарзандингиз иқтидорли бўлса.

(Ота-оналар учун маслаҳат)

Агар фарзандингиз барча вазифаларни осонлик билан бажарса, унда мантикий тафаккур, кузатувчанлик, мустаҳкам хотира, барча нарсаларга қизиқувчанлик, ўз фикрини тушунтира олиш, математик амалларни бажара олиши, дунёқарашининг кенглиги - буларнинг барчаси унда билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланганлиги ва катталар томонидан етарли даражада эътибор бериш кераклигини талаб этади. Иқтидорли бола қуйидаги хусусиятларни ҳам ўзида мужассам этади:

ижодий, оригинал фикрга эга;

юмор, ҳазилни тушунади;

бирор нарсани билишга нисбатан чексиз интилиш ва қизиқувчанлик;

бой тасаввурга эга (ижодий, тасвирий, мусикий фаолиятда намоён бўлади);

кўп ҳолларда ўз тенгдошларидан мустақиллиги билан ажралиб туради, катталар билан мулоқотга интилади.

Баъзида эса ота-оналарни фарзандларининг ўз тенгдошларига ўхшамаслиги, боладаги ўта қизиқувчанлик, билишга катта иштиёқ хавотирга солади. Боланинг хатти-ҳаракатлари қатъий ва ноанъанавий бўлса, масалан, “Нимага?”, “Нима учун?” каби саволларни кўп берса баъзида ота-оналар бу саволларга жавоб беришга қийналсалар, болаларга танбеҳ беришлари, ва ҳаттоки, уни жазолашлари мумкин. Бундай ҳолатларда ота-оналар боладаги ижодий имкониятларни ривожлантириш ўрнига уни сўндирадилар.

Иқтидорли болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганда улар фарзандларининг барча соҳаларда биринчи бўлиши каби хоҳишларини таъкидлайдилар. Масалан, она “менинг фарзандим қобилиятли бўлса-ю, нима учун ўқишни ҳоҳламайди?” деган саволни бериши мумкин. Баъзида шундай ҳолатлар бўладики, ота-оналар болани ҳаддан ташқари бирор бир машғулот билан шуғулланишга мажбур қилишлари, болада ана шу фаолиятга нисбатан нафратни уйғотиши мумкин, чунки айни вақтда бола бошқа машғулотларга қизиқаётган бўлиши мумкин. Бирор муддат вақт ўтса, боланинг ўзи ихтиёрий равишда бу машғулотга қизиқиб қолади.

Психологлар шуни таъкидлайдиларки, агар узоқ вақт иқтидорли боланинг интеллектуал ёки ҳаракат эҳтиёжлари қондирилмаса, бу боланинг ҳис-туйғуларига путур етказиши ва невроз ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари иқтидорли болаларнинг ота-оналари баъзида қизим ёки ўғлим ўз тенгдошларини ўзиб ўтиб, масалан 7 ёшида 3-синфда ўқишларига интилиш тўғримики, деган савол билан мурожаат этадилар. Ҳар бир ҳолат ўзига яраша ноёбдир, лекин шу ўринда боланинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ҳақида унутмаслик керак. Ахир у бошқа, ўзидан катта болалар томонидан қандай қабул қилиниши маълум эмас-ку. У яққаланиб қолмасмикан?

Болангизнинг бошқалар билан мулоқотига ва мулоқотнинг ижтимоий кўникмаларини коррекция қилувчи гуруҳий ўйинлар билан банд бўлишларига кўпроқ аҳамият беринг. Бундай ўйинларни ўтказишда фақатгина билиш жараёнларининг ривожланишига аҳамият бермасдан, балки бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилишларига ҳам эътибор бериш керак.

Иқтидор билиш, ўқув, ижодий, бадий, ҳаракатли фаолият соҳаларида намоён бўлади. Иқтидорли боланинг ўқув фаолиятдаги ютуқлари унинг эрта ёшдан ўқишга бўлган интилишида намоён бўлади. Баъзида болалар 3-4 ёшида, катталарнинг ёрдамсиз мустақил равишда ўқий бошлайди. Бола китобларни томоша қилиши, расмлар асосида ҳикоя тузиши, ҳарфларни ёзиши, катталар ўқиётганда узоқ вақт сабр билан тинглаши, ўз ёшига мос бўлмаган математик амалларга қизиқиши, математик белги ва ишораларни тушуниб эслаб қолиши, баъзида табиатга, табиий фанларга қизиқишини ҳам намоён қилиши, турли предметларнинг келиб чиқиши ва уларнинг вазифаси ҳақида саволлар бериши мумкин. Бадий фаолият соҳасида бола ўзини эртароқ намоён этади: эрта расм чизишни бошлайди, кўп вақтини, масалан пластилиндан турли нарсаларни ясашга ажратади, бунда ўзининг моҳирлигини намоён этиш орқали, ранглар, композицияларни тўғри танлай олади. Шунингдек, мусиқага ҳам эрта қизиқиш пайдо бўлади, мусиқий товушларни ажрата олади.

Ҳаракатлантирувчи соҳадаги иқтидор болада турли ҳаракатларни бажариш, яъни югуриш, сакраш турли акробатик машқларни бажариш, мувозанатни сақлай олишда намоён бўлади.

Бола турли ёки битта соҳада иқтидорли бўлишига қарамай, мана шу табиат томонидан берилган қобилиятни ўз вақтида аниқлаб, унинг ривожланишига ёрдам беришимиз керак.

Агар фарзандингиз иқтидорли бўлса, у ҳолда:

- унинг қизиқиши, ижодкорлигини, фикрлар оригиналлигини қўллаб-қувватланг;
- болани ҳеч қачон бирор бир нарсани нотўғри бажардинг деб қойиманг;
- боланинг ўз севимли машғулоти ёки ўйин турини танлашига ва ўз фикрини баён этишига имкон беринг;
- бола сизга эмас Сиз унга мослашишингиз кераклигини унутманг;
- тенгдошлари ва катталар билан муносабатлардаги муаммоларни бартараф этишда ёрдам беринг;
- ўзи каби ҳар томонлама ривожланган дўстлари бўлишига аҳамият беринг;

- болангизнинг ҳар доим ҳам ғолиб бўлишига ортиқча интиланг, акс ҳолда бошқа болалар, тенгдошлари уни ёмон кўриб қолишлари мумкин;

- уни ҳаддан ташқари мақтаманг, иқтидорли эканлигини ўзининг олдида гапирманг;

- боладан ҳар доим ва ҳамма соҳада биринчи бўлишини, мактабда эса аълочи бўлиши кераклигини талаб қилманг (чунки мактабда аъло баҳоларга ўқиш ҳар доим ҳам иқтидорли бўлишга боғлиқ эмаслиги исботланган).

-боланинг ютуқларини эмас балки уни қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингиз ҳис этсин;

-ҳеч қачон болага бошқалардан ёмонроқсан деб айта кўрманг, уни бошқа болалар билан таққосламанг;

-боланинг ҳар бир саволига имкон қадар рост ва сабр билан жавоб бериш лозим;

-ҳар куни фарзандингиз билан ёлғиз қолиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилинг;

-болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг;

-у билан ғурурланишингизни таъкидлашдан уялманг;

-болага нисбатан ўз ҳиссиётларингизни баҳолашда ростгўй бўлинг;

-болага ҳар доим рост гапиринг, агар бу сиз учун фойдасиз бўлса ҳам;

-болани айби учун жазоламоқчи бўлсангиз (масалан, бирор бир нарсани синдириб қўйса ёки кийимини ифлос қилиб келса) унга айна вақтдаги айби учун танбех беринг;

-куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади;

-болангиз хато қилишга ҳақли эканлигини тан олинг;

-боланинг ёдида фақат бахтли онлар муҳрланиб қолишига ҳаракат қилинг;

-катталар болага қандай муносабатда бўлишса, бола ҳам ўзига худди шундай муносабатда бўлади;

-ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида боланинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Фарзандларимизнинг тарбиясига салбий ва ижобий таъсир этадиган қуйидаги фикрларга кундалик турмушимизда амал қилсак, келажак авлоднинг мустақил фикр эгаси, маънан ва ақлан баркамол бўлиб етишишига, давлат ва жамиятимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшишига эришамиз.

Болалар яшашни ҳаётдан ўрганадилар.

Агар бола мунтазам танқид қилинса, у нафратга ўрганади.

Агар бола адоват(ёвгарчилик, зидлик, хусумат) муҳитида яшаса у тажовузкорликка ўрганади.

Агар бола мунтазам мазах қилинса, у индамас, одамови бўлиб қолади.

Агар бола фақат танбех эшитиб катта бўлса, унинг ўзига ишончи йўқолади.

Болалар яшашни ҳаётдан ўрганадилар.

Агар бола сабр-тоқат муҳитида катта бўлса, у бошқаларни фикрини ҳурмат қилишга, улар билан муросада бўлишга ўрганади.

Агар боланинг фикрини ҳам тез-тез инобатга олиб турилса, унинг ўз-ўзига бўлган ишонч ҳисси ортади.

Агар бола тез-тез мактаб турилса, унда миннатдорлик ҳисси шаклланади.

Агар бола фақат ростгўйлик муҳитида яшаса, у адолатли бўлишга ўрганади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Диагностика в детском саду. Содержание и организация диагностической работы в дошкольном образовательном учреждении. Методическое пособие. – Ростов н/Д: «Феникс», 2003.

Немов Р.С. Психология: Учеб. для студентов высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. Кн. 3. Психология образования. 3-е изд. - М.: Гуманит. изд. Центр ВЛАДОС, 1998.

Диагностика умственного развития дошкольников Под редакцией Л.А. Венгера и В.В. Холмовской Москва “Педагогика” 1978.

Гуревич К.М., Горбачева Е.И. Умственное развитие школьников: Критерии и нормативы. Знание, 1989.

Школьный тест умственного развития (ШТУР). Практикум по психодиагностике.-М.: МГУ, 1990.

Рогов Е.И. Исследование познавательной сферы подростка. Настольная книга практического психолога в образовании.- М.: 1996.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	-3
Иқтидор ҳақида тушунча.....	-4
Иқтидорли болаларни аниқлаш принциплари ва усуллари.....	-6
Мактабгача тарбия ёшидаги болалар иқтидорини ривожлантириш омиллари.....	-7
Идрок ва тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш.....	-8
«Нима тасвирланганини топ» методикаси.....	-9
«Белгиларни қўй» методикаси.....	-10
«Йил фасллари» методикаси.....	-11
«Бу ерда нима ортиқча?» методикаси.....	-12
«Расмларда қандай предмет етмайди» методикаси.....	-14
«Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси.....	-15
«Контурларни бирлаштириш» методикаси.....	-16
«Лабиринтдан чиқиш, йўлини топ» методикаси.....	-17
«Шаклларни қирқиб чиқ» методикаси.....	-19
«Тасвирларни кўчириш» методикаси.....	-20
Ота- оналар учун сўровнома	-21
Илк болалик даври бўйича сўровнома.....	-22
Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иқтидорни аниқлаш бўйича тест – саволнома.....	-23
Ижодий (креатив) қобилиятни аниқлаш бўйича тест - саволнома.....	-24
Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар.....	-24
Фарзандингиз иқтидорли бўлса. (Ота-оналар учун маслаҳатлар.....	-26
Фойдаланилган адабиётлар.....	-30

24-август куни соат 13:30 да "ZiyoNet" нинг ташкил топганига 6 йил тўлиши муносабати билан "Ўзбекистон" радиоканалининг "Таълим ва тараққиёт" эшиттириши "ZiyoNet" ахборот таълим тармоғининг фаолиятига бағишланади.